



THE LEGAL SIGNIFICANCE OF THE INSTITUTE OF PRELIMINARY SECURING OF TESTIMONY IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Nomazov Ikhtiyor Ismailovich

Tashkent State University of Law

Independent Researcher

+998975852078, ixtiyornomazov78@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17892726>

ARTICLE INFO

Received: 02nd December 2025

Accepted: 10th December 2025

Online: 11th December 2025

KEYWORDS

Preliminary securing of testimony, criminal process, securing of evidence, procedural significance, reliability, admissibility, adversariality, witness testimony, threat of evidence loss, procedural guarantees.

ABSTRACT

This article is dedicated to a comprehensive analysis of the procedural and legal significance of the institute of preliminary securing of testimony in criminal justice. The research substantiates that the key objective of this institute is to ensure the reliability, immutability, and admissibility of testimony in conditions where there is a threat of evidence loss (e.g., serious illness of a witness, their prolonged departure, or other objective reasons). The article thoroughly examines the procedural grounds, competent subjects, procedure for preliminary securing of testimony, as well as the legal force of the obtained evidence in subsequent judicial proceedings. The role of this institute in ensuring the principle of adversariality of the parties is separately considered, including guarantees for the participation of the defense and prosecution in the evidence securing procedure. The conclusions present scientific and practical recommendations for further enhancing the significance of this procedural tool for achieving fair justice and establishing the truth.

ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИНСТИТУТА ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО ЗАКРЕПЛЕНИЯ ПОКАЗАНИЙ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Номазов Ихтиёр Исмаилович

Ташкентский государственный юридический университет

независимый соискатель

+998975852078, ixtiyornomazov78@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17892726>

ARTICLE INFO

Received: 02nd December 2025

Accepted: 10th December 2025

Online: 11th December 2025

ABSTRACT

Настоящая статья посвящена комплексному анализу процессуально-правового значения института предварительного закрепления показаний в уголовном судопроизводстве. В исследовании обосновывается, что ключевой целью данного института является



KEYWORDS

Предварительное
закрепление показаний,
уголовный процесс,
обеспечение доказательств,
процессуальное значение,
достоверность,
допустимость,
состязательность,
показания свидетеля, угроза
утраты доказательств,
процессуальные гарантии.

обеспечение достоверности, неизменности и допустимости показаний в условиях существования угрозы утраты доказательств (например, тяжёлая болезнь свидетеля, его длительный выезд или иные объективные причины). В статье детально изучаются процессуальные основания, компетентные субъекты, порядок осуществления предварительного закрепления показаний, а также юридическая сила полученных доказательств в последующем судебном разбирательстве. Отдельно рассматривается роль данного института в обеспечении принципа состязательности сторон, включая гарантии участия стороны защиты и обвинения в процедуре закрепления доказательств. В заключениях представлены научно-практические рекомендации по дальнейшему повышению значимости этого процессуального средства для достижения справедливого правосудия и установления истины.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Номазов Ихтиёр Исмаилович

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

+998975852078, ixtiyornomazov78@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17892726>

ARTICLE INFO

Received: 02nd December 2025

Accepted: 10th December 2025

Online: 11th December 2025

KEYWORDS

Кўрсатувларни олдиндан
мустаҳкамлаш, жиноят
процесси, далилларни
таъминлаш, процессуал
аҳамият, ишончлилик,
мақбуллик,
состязательность
(тортишув), гувоҳнинг
кўрсатуви, далилларнинг

ABSTRACT

Мазкур мақола жиноят процессида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг процессуал-ҳуқуқий аҳамиятини комплекс таҳлил қилишга бағишланган.

Тадқиқотда ушбу институтнинг асосий мақсади — далилларнинг йўқолиш хавфи (гувоҳнинг оғир касаллиги, узоқ муддатга чиқиб кетиши ёки бошқа объектив сабаблар) мавжуд бўлган шароитда, кўрсатувларнинг ишончлилиги, ўзгармаслиги ва мақбуллигини таъминлашдан иборат эканлиги асосланади. Мақолада кўрсатувларни олдиндан



йўқолиш хавфи, процессуал кафолатлар.

мустаҳкамлашнинг процессуал асослари, ваколатли субъектлари, амалга ошириш тартиби ва олинган далилларнинг кейинги суд муҳокамасидаги юридик кучи батафсил ўрганилади. Шунингдек, мазкур институтнинг томонларнинг состязательность (тортишув) принципи таъминлашдаги роли, яъни ҳимоя ва айблов томонларининг далилларни мустаҳкамлаш жараёнида иштирок этиш кафолатлари кўриб чиқилади. Хулосаларда ушбу процессуал восита орқали адолатли судловга эришиш ва ҳақиқатни қарор топтиришдаги аҳамиятини янада ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган.

Дунёда жинойт-процессуал қонунчилигини мунтазам равишда такомиллаштириб боришнинг асосий мақсади процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашга қаратилмоқда. БМТнинг Жинойтчилик ва Гиёҳвандлик моддалари бўйича бошқармаси (UNODC) гувоҳ ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган юқори даражадаги тавсияларни ишлаб чиқиши ҳаммага маълум. Шунингдек, Европа Комиссияси, Европол ва Еврожуст томонидан эълон қилинадиган ҳисоботлар ва тадқиқотларда ҳам судлар томонидан шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши билан боғлиқ ютуқлар ва камчиликлар таҳлил қилинади. Rule of Law index томонидан эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, одил судловнинг таъминланиши ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузилмаслигини кафолатлашга доир 1 шкала доирасида 200дан ортиқ давлатнинг кўрстакичларини 2024 йил кесимида эълон қилди¹. Унга кўра, юқори кўрсаткичли давлатлар сирасига Австралия (0.99), Канада (0.97), Германи (0.99), Норвегия (0.98) қайд этилган. Бироқ Ўзбекистон (0.16) кўрсаткичи эса қуйи поғоналарда қолмоқда. Бу эса, суд тизимини ислоҳ қилишни, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлашни янада янги даражага олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш гувоҳ ёки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг берган кўрсатувларини кейинчалик судда ўзгартирмаслиги ёки бошқача сўзламаслиги, объектив сабабларга кўра суд муҳокамасида иштирок эта олмайдиган ҳолатларда уларни процессуал тартибда қайд этиш (суд муҳокамаси тартибида) жараёнидир. Бир жиҳатга эътибор бериш керакки, унинг зарурияти агар шахснинг кейинроқ кўрсатув бериш имконияти бўлмаса ёки кўрсатувларнинг муҳимлиги ва уларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш зарурати бўлса, суд орқали кўрсатувлар олдиндан мустаҳкамлаб қўйилади. Бу

¹ <https://ourworldindata.org/grapher/rule-of-law-index?time=latest&country=COG~BHR~UZB>



институт далилларнинг йўқолиши, бузилиши ёки ўзгартирилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Эътибор беришимиз керак бўлган жиҳат шундаки, мазкур институт кўпгина хорижий давлатлар тажрибасида “далилларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш” деб номланган. Лекин Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 18.02.2021 йилдаги ЎРҚ-675-сонли Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш” институти киритилди. Мазкур янги институтда далиллар эмас, балки кўрсатув атамасидан фойдаланилди. Ўзбек тилида юридик соҳада муайян тушунчаларни ифодалаш учун шаклланган ўзига хос терминология мавжуд.

“Кўрсатув” сўзи бу контекстда далиллар, маълумотлар ёки фактларни тақдим этиш, намойиш қилиш маъносини англатиши мумкин. Яъни, тергов ёки суд жараёнида иш учун аҳамиятли бўлган нарсалар “кўрсатилиши” мумкин. “Кўрсатув” тушунчаси жиноят-процессуал ҳуқуқида далилларнинг турли хил шакллари (гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг хулосалари, ашёвий далиллар, ҳужжатлар ва бошқалар) умумлаштирган ҳолда ишлатилиши мумкин. Юридик атамалар кўпинча тарихий ривожланиш ва ҳуқуқий анъаналар билан боғлиқ бўлади². “Кўрсатув” атамасининг айнан шу маънода ишлатилиши узоқ йиллар давомида шаклланган бўлиши мумкин. Яна бошқача қарайдиган бўлсак, бу бошқа туркий тиллардаги ёки собиқ Совет Иттифоқи ҳуқуқий тизимидаги терминология билан ҳам боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган деган қарашларни илгари суриш мумкин.

“Кўрсатувларни мустаҳкамлаш” ибораси юридик матнларда далилларни олдиндан қайд этиб қўйиш, уларнинг келажақда фойдаланилишини таъминлаш заруратини нисбатан аниқ ва тушунарли тарзда ифодалайди. Бошқа сўзлар бу маънони тўлиқ ёки шунчалик аниқ еткази олмагани каби эҳтимолдан келиб чиққан. Қонун ташаббускорлари муайян юридик тушунчаларни ифодалаш учун энг муносиб деб ҳисоблаган атамаларни танлайдилар. “Кўрсатув” атамаси ҳам шундай танлов натижаси дея айта оламиз.

Жиноят иши юритувида кўрсатувларни мустаҳкамлаш деганда, гумонланувчи ёки айбдор томонидан берилган кўрсатувларни текшириш, уларнинг тўғрилиги ва ҳақиқийлигини тасдиқлаш ёки рад этиш мақсадида қўшимча далиллар ва маълумотлар олиш жараёни тушунилади.

Кўрсатувлар шахс психологияси билан узвий боғлиқ эканлигини илмий асослаб беришган инглиз тадқиқотчилари М. Граҳам ҳамда Р. Антонилар қуйидагича фикр билдиришган: “айбдорнинг ёки гувоҳнинг кўрсатувлари фақат битта гувоҳлик ҳисобланмайди, уларнинг ҳақиқий эканлигини аниқлаш учун қўшимча текширувлар, суриштирувлар, экспертиза ёки бошқа чоралар кўрилишини талаб этади, бу пайтда шахс психологияси қандай таъсир остида

² Ражабов Б. Х. Некоторые мысли и замечания по совершенствованию уголовного и уголовно-процессуального законодательства //Современные проблемы развития уголовно-процессуального права. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 132-140.



ишлаётганлигини терговчилар билмайди”³. Бу кўрсатувларни мустаҳкамлаш, яъни уларнинг ишончилигини ошириш ва судда исботлаш учун ҳам осон жараёни ярата олади.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш гувоҳ ва жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига биноан сўроқ қилишдан иборат бўлиб, у Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган суд муҳокамаси қоидаларига кўра суд томонидан амалга оширилади ва баҳоланади⁴.

Гувоҳни, жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) объектив сабабларга кўра (Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги) ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда, уларнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин. Бу дегани, агар келажакда сўроқ қилиш имкони бўлмаса, уларнинг кўрсатувлари судгача ёки суд муҳокамаси вақтида ишончли далил сифатида қабул қилиниши учун аввалдан аниқлаштирилиши ва қайд этилиши лозим. Шу тарзда, гумонланувчи ёки айбдорнинг ҳуқуқлари бузилмасдан, жиноят ишининг адолатли ва тўлиқ ўрганилиши таъминланади.

Бироқ, қонунчиликда юқоридаги объектив сабаблар тор доирада кўрсатилган бўлиб, амалиётда етарлича ишлатиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишни истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги билан чекланган.

Фикримизча, аслида бундай объектив сабаблардан ташқари юқоридаги шахсларни ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий хизматга жалб қилиниши, табиий офатлар ёки фавқулодда вазиятлар рўй бериши, саломатлик ҳолати билан боғлиқ чекловлар (масалан, қари ёшдагилар, ногиронлиги бўлганлар), вафот этиш эҳтимоли бўлган касаллар доирасини, кибержиноятлар содир этилганда унинг изларини йўқолиб кетиш хавфидан келиб чиқиб ҳам кенгайтириш мумкин.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни зарур материаллар билан бирга прокурорга юборади.

Эътиборли жиҳати шуки, прокурор рози бўлганда мазкур институтдан фойдаланиш имконини юқоридаги шахсларга тақдим этади. Прокурорнинг қандай асосларга кўра рози бўлиши ёки рози бўлмаслиги аниқ мезонлар билан белгилаб қўйилмаган.

³ Forensic Psychology: Crime, Justice, Law, Interventions Graham M. Davies, Anthony R. Beech 466 pages, Paperback, April 23, 2022 by BPS Blackwell ISBN10: 1119991951 <http://goodreads.com/book/show/15027490-forensic-psychology>

⁴ Suyunova D. Preparation of the Case for Trial //Central Asian Journal of Social Sciences and History. – 2023. – Т. 4. – №. 6. – С. 182-188.



Бунда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишда прокурор розилиги жиноят иши материаллари ва мурожаат мазмунидан келиб чиқиб олинмоқда. Прокурор томонидан розилик билдирилмаса унинг устидан шикоят қилиш мумкинлиги, кимга ва қанча муддатда шикоят қилинишини кераклиги, айнан қайси асосларга кўра прокурор томонидан розилик берилмаганлигини кўрсатувчи муайян бир фактлар ҳеч бир ҳужжатда кўрсатилиши белгилаб берилмаган. Бу ҳақда мурожаат қилган шахсларни хабардор қилиш механизми ҳам аниқ нормалар билан тартибга солинмаган⁵.

Судга юбориладиган илтимосномага кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш зарурлигини тасдиқловчи жиноят иши материалларининг кўчирма нусхалари ҳам илова қилинади.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш зарурлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мақсадга мувофиқ саналади:

1) соғлиқ ҳолатига оид ҳужжатлар қуйидагилар:

тиббий хулоса (врач ёки касалхона томонидан берилган);

руҳий касалликка оид тиббий маълумотнома;

доимий даволанишни талаб қиладиган ҳолатлар ҳақида эпикризлар ва б.

2) чет элга чиқиб кетганини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар:

паспортидаги чиқиш/кириш муҳрлари;

чет элдаги вақтинча яшаш маълумотлари;

элчихона ёки консуллик маълумотлари;

ишга жойлашиш тўғрисидаги шартнома (агар чет элда ишлаётган бўлса);

авиа/поезд чипталари ва б.

3) ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий хизматга жалб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар:

ҳарбий қисмдан берилган маълумотнома;

хизмат сафари топшириқномаси (ҳарбий командировка буйруғи);

давлат хизмат сафари ҳужжатлари (ҳарбий ҳаракатларга бириктирилганлиги) ва б.

4) вафот этиш эҳтимоли бўлгандаги тиббий ҳужжатлар:

касаллик тарихи ва варақаси;

тиббий маълумотномалар;

соғлиғининг ҳозирги ҳолатини кўрсатувчи далолатномалар;

ўлим келиб чиқиши мумкин бўлган муддатларнинг асосли тиббий диагнози ва прогнози ва б.

Жиноят иши материалларидан кўчирма деганда жиноят ишини қўзғатиш қарори, гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг сўроқ қилиниши натижасида суриштирувчи, терговчи томонидан расмийлаштирилган сўроқ баённомаси, кўрсатуви олдиндан мустаҳкамланиши истагини билдирган

⁵ Охлопкова Анна Семеновна ИНСТИТУТ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛУШАНИЯ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ // Право и государство: теория и практика. 2023. №11 (227). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/institut-predvaritelnogo-slushaniya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve> (дата обращения: 10.12.2025).



шахсларнинг мурожаати, юзлаштириш баённомаси кабилар шулар жумласидандир.

References:

1. <https://ourworldindata.org/grapher/rule-of-law-index?time=latest&country=COG~BHR~UZB>
2. forensic Psychology: Crime, Justice, Law, Interventions Graham M. Davies, Anthony R. Beech 466 pages, Paperback, April 23, 2022 by BPS Blackwell ISBN10: 1119991951 <http://goodreads.com/book/show/15027490-forensic-psychology>
3. Suyunova D. J., Koniushenko Y. Y., Nguindip N. C. Una comprensión comparada de la formación de responsabilidad penal por delitos contra las mujeres en uzbekistán y camerún //Ius Humani. Revista de Derecho. – 2021. – Т. 10. – №. 2. – С. 129-148.
4. Ражабов Б. Х. Некоторые мысли и замечания по совершенствованию уголовного и уголовно-процессуального законодательства //Современные проблемы развития уголовно-процессуального права. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 132-140.
5. Суюнова, Д. (2020). Особенности института предварительного судебного слушания по уголовным делам. Обзор законодательства Узбекистана, (4), 60-61.
6. Suyunova D. Preparation of the Case for Trial //Central Asian Journal of Social Sciences and History. – 2023. – Т. 4. – №. 6. – С. 182-188.
7. Охлопкова Анна Семеновна ИНСТИТУТ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛУШАНИЯ В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ // Право и государство: теория и практика. 2023. №11 (227). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/institut-predvaritelnogo-slushaniya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve> (дата обращения: 10.12.2025).